**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**
**ҚОНУНИ**
**14.12.2005 й.**
**N ЎРҚ-11**

(01.10.2018 йилгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ ЭТИБ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

**Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 11 октябрда қабул қилинган**
**Сенат томонидан 2005 йил 2 декабрда маъқулланган**

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги Қонуни
2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги 172-I-сонли Қонуни
3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги 220-I-сонли Қонуни
4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган "Экспорт назорати тўғрисида"ги 658-II-сонли Қонуни

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган **"Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"**ги Қонунининг (2000 йил 26 майда қабул қилинган 77-II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, N 5-6, 148-модда; 2003 йил, N 5, 67-модда; 2004 йил, N 5, 90-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда) **19-моддасининг биринчи қисмидаги** ва **иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** "Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги" деган сўзлар "Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"**ги 172-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 12, 262-модда; 2003 йил, N 5, 67-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-моддасининг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги** "Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги" деган сўзлар "Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **38-моддасидаги** "Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги" деган сўзлар "Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган "**Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида**"ги 220-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N 5-6, 58-модда; 2003 йил, N 5, 67-модда) **25-моддасининг учинчи қисмидаги** "Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги" деган сўзлар "Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган "**Экспорт назорати тўғрисида**"ги 658-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, N 9, 158-модда) **8-моддасининг биринчи қисмидаги** "Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги" деган сўзлар "Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. Каримов**

«S.VERENIN'S LEGAL GROUP» Адвокатлик фирмасининг норматив базасидан олинган
www.sverenins.uz